

Бақара сураси, 138-оят

07:10 / 05.12.2017 3513

Аллоҳнинг «бўёғ»ини лозим тутинг. Аллоҳдан кўра «бўёғ»и яхшироқ ким бор?! «Ва биз Унга ибодат қилувчилармиз». Бақара 138.

Ушбу оятдаги «бўёқ» калимаси рамзан динни англатади. Бирор нарсага зеб берилмоқчи бўлса, унга бўёқ суркалади. Инсонни гўзал қилиб кўрсатадиган нарса эса диндир. Ҳақиқий диндор шахсда унинг аломатлари яққол кўзга ташланиб туради. Шу маънода, инсон агар гўзал бўлиш учун турли бўёқлардан – дин ва тузумлардан бирини танлаши лозим бўлса, нимани танлаши керак? Албатта, ҳеч қандай гап-сўзсиз, Аллоҳнинг бўёғини (динини) тутиши лозим. Чунки Аллоҳнинг бўёғидан (динидан) ўзга чиройлироқ бўёқ йўқ!

Ояти кариманинг охирида Аллоҳнинг сўзларига бевосита мўмин-муслмон бандаларининг сўзлари улаб юбориляпти:

«Ва биз Унга ибодат қилувчилармиз», – дейишмоқда мўминлар. Бу ҳол муслмонлар учун улкан шарафдир. Аллоҳ таоло Ўзининг ўғитига мўмин-муслмонларнинг эътирофларини қўшиб баён қилмоқда.

Келаси оятда аввалги мавзу давом эттирилиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ғайридинларга айтишлари лозим бўлган гаплар ўргатилади.